



XALQ DEPUTATLARI DO'STLIK TUMANI KENGASH QARORI

2021 - yil 17 - oktabr

VI-29-36-3-47-K/21

Do'stlik tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 18 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганлигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 199-сон Фармойишига мувофиқ ҳамда 25 октябрь “Ички ишлар органлари ходимлари куни” муносабати билан касб байрамини юқори савияда ва кўтаринки руҳда нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 18 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганлигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 199-сон Фармойиши ҳамда Жиззах вилоят ички ишлар бошқарма бошлигининг 2021 йил 29 сентябр кунги 84 Ф-сон Фармойишига асосан “Ички ишлар органлари ходимлари куни”ни кенг нишонлаш ҳамда тизимда фаолият юритаётган бир гуруҳ ходимларни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетидан маблағ ажратиш юзасидан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-24 моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганлигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 199-сон Фармойишига мувофиқ ҳамда 25 октябрь “Ички ишлар органлари ходимлари куни” муносабати билан касб байрамини юқори савияда ва кўтаринки руҳда нишонлаш тўғрисидаги ҳамда Жиззах вилоят ички ишлар бошқарма бошлигининг 2021 йил 29 сентябр кунги 84 Ф-сон Фармойиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги Молия бўлими мудирини (А.Латифов)га туман маҳаллий

бюджетнинг 2021 йил 3 чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан **100,0 млн** (юз миллион) сўм маблағни туман ҳокимлиги ҳисоб рақамига ўтказиб бериш вазифаси юклатилсин.

3. Туман Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи (У.Равшанов) ушбу маблағни тегишли тартибда молиялаштирилишини таъминласин.

4. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Ў.Бобомурадов)га ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Ш.Сапаров) ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Данияров)лар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Дарвишев